



№ 69

Ижобий аудиторлик хулосаси

“MASTONA” Акциядорлик жамияти (адресат) реквизитлари:

Фаргона вилояти, Қўқон шаҳри, Турон кучаси 73-уй; СТИР-200 136 308; ХХТУТ-18143; Вино маҳсулотларини ишлаб чиқариш саноати; х/р: 2021 0000 9002 2835 0001; ОАТ “ЎзСаноатқурилш банки” Қўқон филиали; МФО-00531. Тел; (0-373)542-32-32.

Кириш қисми

“OSIYO-AUDIT” аудиторлик ташкилоти реквизитлари:

Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент ш. Юнусобод т.; А.Темур 1-тор кўчаси 2-у; Tel: 236-11-60 факс 236-24-32; Адлия Вазирлигининг 11.08.1998 йилдаги §17-сонли гувоҳномаси; Молия Вазирлигининг 29.02.2008 йилдаги 00124-сонли лицензияси; АТИБ Ипотекабанк Мехнат бўлими х/р 20208000503945832001; МФО 00423; СТИР 202629997; ХХТУТ 84400 “Аудиторлик фаолияти”.

“OSIYO-AUDIT” аудиторлик ташкилоти аудитори, директор - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 08 январь 2008 йилда берилган № 04504-сонли аудитор малака сертификатига эга Исмайилов Адилбек Матчанович.

“MASTONA” Акциядорлик жамиятининг 2015 йил 1 январдан 2015 йил 31 декабргача давр молиявий ҳисоботлари 22.03.2016 йилдаги 69-шартнома асосида аудит текширувдан ўтказилди.

Аудитга “Бухгалтерия баланси”-1-шакл, “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”-2-шакл, “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот”-4-шакл; “Ўз сармоясига тўғрисидаги ҳисобот”-5-шакл; Изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар; солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисобот, ҳисоб-китоблар ва маълумотномалар, журнал-ордер, ҳужжатлар ва банк кўчирмалари тақдим этилди.

“MASTONA” Акциядорлик жамиятининг раҳбарияти аудиторлик текширувдан ўтказиладиган молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва унинг ҳаққоний бўлиши учун жавобгар ҳисобланади.

Аудиторлик ташкилоти аудиторлик хулосасининг “MASTONA” Акциядорлик жамиятининг молиявий ҳисоботига мувофиқ бўлиши учун жавобгар.

Қайд этиш қисми

Биз аудиторлик текширувини АФМА га мувофиқ ўтказдик. Ушбу андозалар биз фойдаланувчиларни молиявий ҳисобот жиддий бузилишларга эга эмаслигига етарлича ишонч билан таъминлашимиз кераклигини такозо этади. Аудиторлик текшируви ҳаққонийликни ва молиявий ҳисобот ҳамда бошқа молиявий ахборотнинг конун ҳужжатларига, шунингдек молиявий-ҳўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга асосланади.

Биз томонимиздан ўтказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асос беради деб ҳисоблаймиз.

Яқиний қисми

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъект “MASTONA” Акциядорлик жамиятининг молиявий ҳисоботи унинг молиявий аҳолини ҳаққоний акс эттиради ва мазкур хўжалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келади.

«Osiyo-Audit» аудиторлик
ташкилоти директори, аудитор

2016 йил “04” апрел



А.Исмайилов